

ЎҚИ ва УҚИ

Алишер НАВОЙИ:

Кўп демак бирла бўлмагил подон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

Хирамдм чин сўздин ўзга дедас,
Вале барча чин ҳам дегулик эмас.
Киши чинда сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса авло дурур.

Тинч кўнгул бирла қатиғисиз умоч,
Беҳи биров миннати бирла кулоқ.

Ҳар неча қоронгу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зийлағ.

Уч кишидин уч иш ёмон кўрунур,
Сенга арз айлаи аҳли дунёдин:
Шоҳдин тундлуғ, гандин бух,
Молга майлу ҳирс донодин.

Кўёндек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкани бир дамда ёрутқай.
Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламини тутқай.

Эй, Навоий, сўз ила онча гуҳар сочинг ким,
Бахру қон кирди қаро ерга сенинг килкигинди.
Бирга, ё ўнги, ё юзига, ё мингига
Дегай эл найзагай ортуқ дурур элиг мингидин.

Киши айбинг деса, дам урмағилким, эл эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

Бўлмасанг оламда ё кўнгулда, ё жонимда бўл,
Манзилгидур бори кўнгул қанда истаи, анда бўл.

Ҳақи топтим фалақдин потавонлиғ,
Ҳақи кўрдум замондин қомронлиғ,
Басе иссиғ, соғуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук топтим жаҳонда.

Гардун манга гаҳ жафоо дунлик қилди,
Бахтим киби ҳар ишда забунлик қилди.
Гаҳ ком сари роҳнамунлик қилди,
Аққисса, басе буқаламунлик қилди.

...Одла подшоҳ ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамалукка
муҳаббат амният ва раъфат. Кўёш била абри баҳордек қора
туфрондин сулар очар ва мулк аҳли бошиға олтин била
дулар сочар. Фуқаро ва потавонлар аниғ роғиға мадорси-
дин осуда, залама ва авонлар аниғ тиги сийёсатидин фарсуда.

Саховат исониат боғининг борвар шажаридур, балки ул
шажарининг ширин самаридур.

Саховатсиз эр — ёғинсиз абри баҳор ва роғиҳасиз мушки
татар. Мевасиз ёғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз бурут
ҳамону тутун ҳамон. Саховатсиз киши бирла гавҳарсиз садаф-
нинг бир хукми бор.

Вафога ҳаё била пайвасталиқ, андоқки, ҳаёга вафо вобас-
талиқ.

Олимиким илми эрди беамал,
Ё таълимиким моллиға буҳл эрди ёр.
Удилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

Хуш сўзга ким ўса масту беҳуш
Шарбат аро захари қилур нўш.

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошқоқон кўп тойилур,
кўп тойилган кўп ишқилур. Ишда ошқоқон ёш ўзлон ишидур,
сабр била иш қилгучи тажрибаиғи улғў ёшлиғ киши ишидур.
Байт:
Ҳар кимсаки айламас ошқоқонни ҳаё,
Янғини ипақ қилур, чечак барини бол.

Эр кишига зебу зийнат — ҳикмати дошидурур,
Яхши киймак била хотунларга оройишдурур.

Ҳар қандай таназзулдан, таҳликали мушкул
аҳволдан, авваломбор халқнинг мардлиғи, бунёд-
корлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилб
айтилганда, одамларнинг мададиға таянибгина
чиқиш мумкин.

ИслоМ КАРИМОВ
(«Туркистон» газетаси мухбирининг
саволларига жавобларидан)

Бир дўстим чойхонада элифат берди. Ун беш
зоғат улфатлар сўлим Анҳор бўйида тўпланди.
Ингиланлар ўз соҳасининг билимдонлари, ай-
римлари фан номзод-
лари ёки фан доктори
булиш арасида турган
етук мутахассислар эди.
Узаро гурун она ти-
лимиз қилиб, бошқа тил-
да бўлаётгани. Таажжуб
ва ҳайрат ила ёнимдаги-
ларга қарайман — ик-
кита бегона забон улфат-
дан ташқари (уларни-
нинг биттаси ўзбекчини
тушунар, иккинчисини
танимас эдим) ҳаммаси
ўзбеклар эди. Ҳа, ўзбек
ўзбек билан... ўзга тилда
гаплашлари, яна қарда-
денг — расмий идорада
ёки бирор анжуманда
эмас — чойхонада! Агар
бундай шармандали ҳол
мустакилликдан илгари
содир бўлганда тушу-
ниш мумкин эди.

Ҳамма нарса аввало
эҳтиёждан келиб чиқа-
ди. Қардошларимизда
давлат тили бўлмиш ха-

лқимиз тилини ўрганишга
ҳаётий эҳтиёж бўлмас экан,
тилимизга, ўзлари Ватан
сифатида танлаган юртининг
урф-одатларига, қадриятла-
рига ҳурмат-эҳтиром бўлмас
экан, тил ҳақидаги қонун-
нинг бажарилиши мушкул
вазифалигича қолаверди.

Ҳа, Ватанин севган одам
аввало унинг қонунларини
ҳурмат қилиши, унга оғиш-
май амал қилиши лозимли-
ги оддий ҳақиқатдир.

Тил ҳақидаги қонунимиз
қардошларимизнинг феъл-
атвори, қадриятларимизга
муносабатлари ҳисобга
олинган ҳолда яратилган.
Айрим мустакил давлатлар-
даги каби фуқароликка
қабул қилишда махсус им-
тиҳон олмаимиз, ишга ки-
рувчиларнинг маҳаллий
тили қай даражада пухта
билиши ҳам имтиҳон
қилинмайди, давлат тилида
қийинчиликлар юзъий нуқ-
сон бўлган боис, депутат-
ларни ваколати тугамасдан
олдин чакриб олмаимиз.
Хуллас, қардошларимизга
ҳурмат-эҳтиромимиз зиёда.
Уш, шундай бўлган, иззат-

Президент совғаси топширилди

Тошкент вилояти
Зангиота туманидаги
Ойбек номи 14-мактаб
қошида ташкил этилган
«Бунёдим» бадий-
ҳаваскорлик дастасига
давлатимиз раҳбарининг
совғаси топширилди.
«Бунёдим» ташкил
этилганига эндигина икки
йил бўлди. Илк чиқиши
Ватан маҳзини қуйлашдан
бошлаган бу даста ишти-
рокчилари истиқлолни,
бахтли болалик, умилли
кеलाжакни тараннум
этмоқда. Уларнинг
кўпчилиги мустакиллик
йилларида таваллуд

топган. Даста қатнашчи-
лари вилоятда ўтказилаёт-
ган бадий ҳаваскорлар
кўрик-танловларида
доимо совринли ўринлар-
ни эгаллаб келмоқда,
муҳим маданий тадбирлар
албатта уларнинг иштиро-
кида ўтмоқда.
Муслиқ бола маънавия-
тини шакллантиришда,
уларнинг руҳан баркамол
бўлиб етишишида
катта аҳамиятга эга. Буни
«Бунёдим» дастаси фао-
лиятдан ҳам кўриш
мумкин. Мурғак қалблар-
га ёшлигиданоқ миллий
музыкага, кўшиқчилик

анъаналарига катта қизи-
қиш уйғотишда, уларга
ватанпарварлик ҳиссини
синдиришда даста бадий-
раҳбари тажрибали
педагог Нигора Жўраева-
нинг хизматлари катта
бўлмоқда.
Даста қатнашчилари-
нинг санъатга бўлган
улкан муҳаббатидан хабар
топган давлатимиз раҳба-
ри ИслоМ Каримов ижод
гунчаларини рағбатланти-
риб, эсдалик совғаси ҳада
этилди. Кўни-кеча
мактабда ана шу совгани
«Бунёдим» дастасига

топшириш маросими
бўлди.
Тадбирда сўзга чиққан-
лар мустакиллигимиз
дастлабки кунлариданоқ
ёшлар маданий-маърифий
тарбиясига катта аҳамият
бериб келаётган давлати-
миз раҳбарининг «Бунёд-
дим» болалар дастасига
совға йўллагани келажак
авлодга бўлган гамхўрлик-
нинг яна бир ёрқин
далили эканини таъкидла-
дилар.
Б. МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири

Хорижда тажриба алмашиб

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси
олиб бораётган ишлар саймоғи кун сайин ортиб
бормоқда. Айниқса, ўқитувчлар малакасини
оширишга катта эътибор қаратилган. Кейинги
вақтларда юз нафар муаллим АҚШ, Япония,
Франция, Туркия каби мамлакатларда малака
ошириб қайтганлигини бунга мисол қилиб
кўрсатиш мумкин. Шу кунларда эса тўрт нафар
ўқитувчи Бельгия ва Шотландия мактабларида
тажриба ўрганмоқда.
Бундан ташқари вилоятда иқтидорли ўғил-қиз-
ларни хорижий давлатларда ўқитиш ҳам яхши
анъанага айланиб қолди. Чунончи, қибрайлик
Нилуфар Пирматовна, юқоричириклик Сайёра
Исмоилова, Инна Ли каби аълочи ўқувчилар
ҳозир Франция ва Корея Республикаларида
тендлошлари билан бирга ўқинмоқда. Бу қар-
лар тайёрлаш бўйича Миллий дастур асосида
амалга оширилаётган ишларнинг амалий
самарасидир.

Умматали ТУРАХОНОВ

Ватанин севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 9 февраль, сешанба • № 17 (24.412).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқиб бoшлаган

Ҳокимлар ўқуви тугади

Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президенти ҳузур-
даги Давлат ва жамият
қурилиши академиясида
раҳбар ходимлар учун
доимий семинарнинг
иккинчи туркумида
машғулотлар ниҳоясига
етди.
Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкам-
асининг қарорига муво-
фиқ, вилоят ҳокимлари-
нинг қишлоқ хўжалиги
масалалари билан шу-
ғулланувчи ўринбосарла-
ри, қишлоқ туманлари-
нинг ҳокимлари ўн кун
давомида «Бозор муно-
сабатлари шароитида
қишлоқ хўжалигини
чўқур ислоҳ қилиш»
мавзусида ўқув курси
лекцияларини тинглади-
лар.
Ўқув дастурида қиш-
лоқ хўжалиги соҳасида
иқтисодий ислохотларни
чўқурлаштиришга, бу
ислохотларнинг қонун-
ий-ҳуқуқий базасини
мустаҳкамлашга, қишлоқ
ва сув хўжалигида ил-
мий-техникавий ва
технологик сийёсатни
ўтказишга алоҳида
эътибор берилган.
Ўқув тугагандан сўнг
ҳар бир тингловчи ўз
туманида ёки вилоятда
иқтисодий ислохотларни
амалга ошириш тўғриси-
да реферат тайёрлади.
Уларга тест синови

натижаларига биноан
белгиланган намунадаги
гувоҳномалар топширил-
ди.
— Иккинчи туркум
машғулотларнинг яку-
нларига қараганда, —
деди Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош вазирининг
ўринбосари, семинарни
ташқил этиш ва ўтказиш
ишчи гуруҳининг раҳба-
ри Б. Олимжонов, —
туманлар ҳокимлари ва
вилоят қишлоқ хўжалиги
раҳбарлари биринчи
туркумдаги тингловчи-
ларга нисбатан ўқишга
анча масъулият билан
ёндашдилар. Авторефе-
ратларни ҳимоя қилиш
ҳамда тест синови асо-
сида олинган билимлар
савиясини белгилаш
чоғида улар масъулият
билан тайёрлик
кўрганликларини намоён-
иш қилдилар. Барча
ҳокимлар аттестациядан
муваффақиятли ўтдилар.
Эндиликда улар семи-
нарда олган билимлари-
дан республикамиз
қишлоқ хўжалигини
янада фаол ривожланти-
риш йўлида амалда
фойдаланадилар, деб
умид қиламан.
Семинар ишида Ўзе-
бекистон Республикаси
Президентининг Давлат
маслаҳатчиси Т. Алимов
иштирок этди.
(ЎЗА)

XXI аср ўзбек ёшлари



Рустам ҚОСИМЖОНОВ:
— Ваёда беришни ёмон кўраман, лекин шу
йил Лас-Вегасда бўлиб ўтайдиган жаҳон чем-
пионатида Ватаним — Ўзбекистоннинг спорт
шарафини ҳимоя қилиш учун кўлимдан келган
барча ишни қилишга тайёрман!
Алишер РИСКҲИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Сийсий шарҳловчи нигоҳи

Ё астақлод, Ё аттифоқ...

Белоруссия ва Россия сийсий
доиралари томонидан «иккилик-
нинг халқаро амалиёт синовлари-
дан муваффақиятли ўтган интегра-
циявий тузилмаларга йўловчилик
билан бот-бот қиёсланиши дунё
аҳлини беҳад таажжублантирмоқ-
да.
Ҳа, қиёсда гап кўп. Ҳақиқат ҳам,
таққосда билинади, дейдилар. Би-
рон-бир янги ва номаълум нарса-
ҳодисани, аввалдан таниш ҳамда
маълум бошқа бирининг ўхшаш
жиҳатларига асосланиб, уларни
ўзаро қоғиштириш йўли билан ту-
шуниш ва тушуниришнинг афзал-
лигига не етсин. Аммо, қиёс асли-
да қиёс бўлмас, ўхшатиш мабо-
до ўхшамас-чи?
Айтилик, Шенген битими, бир-
лашган Германия ёхуд Европа Ит-
тифоқи каби XX асрнинг етук ит-
тифоқлари, барча босқинларда та-
маддуний барқарорлик ва ҳуқуқий
негизлар мустаҳкамлигига қанча-
лик маҳкам таянган бўлса, Бело-
руссия ва Россия «иккилик» ком-
мунистик телбаланикнинг аччиқ ме-
васи бўлиши таназзулликни орқа
қилган шунчаки омонат бир тузил-
мадир.
Бу масалага теранроқ назар со-
ладиган бўлсак, хусусан, Белору-
ссия-Россия иттифоқи билан Гер-
маниянинг бирилашиши ҳодиса-
сини ўзаро солиштиришнинг ўзи
чиндан ҳам номақбул тулолади. Не-
гаки, аввало, Германия бўлиб
ташланишидан илгари ҳам битта
давлат, иккала худудда истиқомат
қилувчи аҳоли эса ягона халққа
мансуб эди. Қолаверса, ГФР бир-
лашиш арасида нечоғлик ҳар то-
монлама тараққий топган бўлса,
собиқ ГДР ҳам иқтисодий, ўзига
тўқлиги жиҳатдан ўша пайтдаги

социалистик лагернинг пешқадам
республикаларидан саналар эди.
Шундай бўлса-да, Германия Фе-
дерацияси ГДРни келгусида бир-
галикда кечадиган турмушнинг му-
айян шарт-шароитларига мослаш-
тириб бориш мақсадига йилга
100 миллиард марка маблағ сар-
флади. Бу эса мамлакатнинг бир-
лашиш жараёнини анча-мунча ен-
гиллаштиргани баробарида, Гер-
маниянинг «социалистик қисми»да
ишсизликнинг бир қадар кучайи-
шига ҳам олиб келди. Оқибатда,
ушбу худуддаги айрим кишилар
ишсиз қолганликларини рўқча
қилиб, ўзаро бирилашишга қарши
норозилик билдиришгача борди-
лар. Ўз навбатида, «капиталистик
Германия»даги аҳоли орасида ҳам
давлат маблағларини «текинхўр-
лар» учун беҳуда сарфламаслики
талаб қилувчилар топилиши сир
эмас.
Демокримизки, ҳатто ГДР ва
ГФР сингари ўз тизимларининг
иқтисодий илгор иккита вақили —
қачонлардир ягона давлат — яго-
на халқ бўлган республикаларнинг
қайта қўшилиш жараёни ҳам «ха-
мирдан қил суғургандек» осон
кечмаган. Гуллаб-яшнаган Герма-
ниядан фарқли ўлароқ, Белору-
ссия ва Россиядек икки хил дав-
лат — иккита алоҳида халқ иқти-
содий бўҳрон чуқурлашган,
аҳолининг иқтисодий-сийсий но-
розилиги кескин кучайиб бораёт-
ган қалтир бир шароитда бир-
лашмоқчи.
Кимлардир бу ҳолни иккита
огир беморнинг умумий дардга
қарши биргаликда курашиши
илинжидаги саъй-ҳаракатларига
(Давоми 2-бетда)

Хатоликлар зараоби

Эҳуд чойхонада ҳам ўзаро бегона тилда гаплашадиган
миллатдошларимиз ҳақида аламли сўз

лар ва тилшуносларнинг
суекташлиғи, локайдлиги-
ни тушуниш қийин. Аҳён-
аҳён эшитилар-эшитилмас
акс-садо бериб қўйгувчи
атамақум Шарк мамлакат-
ларида атамаларни қабул
қилиш борасида тўплаган
бой тажрибаларни астой-
дил ўрганиб, умумлашти-
риб, амалда жорий этса,
максатда мувофиқ бўлур
эди.
Хўш, мавжуд аҳволдан
ҳеч ким қониқмас (аҳён-

аҳён нолиб қўйган билан
иш битмайди, муаммо ҳал
бўлмайди) экан, бундай
аҳволга ким ва нима саба-
бчи деган табиий са-
вол туғилади. Ким бўлар-
ди, асосий айбдор — ўзи-
миз, айбдор — ўша чой-
хонада ҳам ўзаро ўз она
тили қилиб, бошқа тилда
гаплашишни афзал билаёт-
ган манқуртлар... Узинг-
дан чиққан балага, қайта
борсан давога! Файласуф

— Давлат тилида иш
юретишга ҳали тайёр
эмас эдик. Қолаверса, бу
тадбир катта маблағ-хара-
жати талаб қилади. Ав-
вал иқтисодий муаммо-
ларни ҳал қилиб олсак
бўларди.
— Менимча, сизни
иқтисодий муаммолар
эмас, бошқа нарса кўпроқ
безовта қилса керак! —
дедим унинг гапларидан
энсам қотиб. Бу одамнинг
мактабда ҳам,
институтда ҳам
бошқа тилда
ўқиб, бошқа
тарбия кўрга-
нини, бошқа
тилда нуқч ирод
қилиб юргани-
ни, шу тилда
иш юретиш
унга ўнғай
булиб қолгани-
ни, энди давлат
тилига ўтиш
унинг учун тўё

қарашларини яхши билар-
дим. Афсуски, шундай ту-
шунча-кайфиятдаги одамлар
айрим раҳбарлар орасида
ҳам, зиёдилар, етук мутахас-
сислар орасида ҳам оз эмас.
Таажжубки, давлат тили
ҳақидаги қонуннинг бажари-
лишига асосий тўғаноқ
ҳам шулардир.
Мабодо ана шулар катта-
роқ идораларда раҳбар
бўлса, етук, у ерда давлат
тили ҳақидаги қонуннинг
бажарилиши қийин кечачи.
Улар оддий бир ҳақиқатни
тан олмайдилар: иш шу зай-
лда давом этверса, давлат
тили ҳеч қачон шу тилни
билмайдиганлар ва билиш-
ни истамайдиганлар учун т
у ш у н а р л и бўлмайди.
Ваҳоланки, кундалик-тур-
мушда, яна тақрор айтаман,
давлат тилига эҳтиёж бўлмас
экан, ордан кўп йиллар
ўтса-да, давлат тилининг
кўнгилдагидек жорий этили-
шига умид қилиш қийин.

Чойхонада ўтириб, шу му-
лоҳазалар ҳаёлимдан ўтар-
кан, ёнимдаги ўша зиёфат
«айбдор»га Чингиз Айтма-
тов асари туфайли машҳур
бўлиб кетган манқурт
ҳақидаги афсонани айтиб
бердим. Бу борда андак
сархуш бўлиб қолган улфат-
лар энгил чайқалишиб, таб-
рик сўзларини ҳам бошқа
тилда айтишаётганди. Бат-
тар энсам қотди. Ниҳоят,
менга ҳам сўз берилди.
— Мен ўз тилимда — дав-

лат тилида гапираман! —
дедим аламли писанда
билан. — Энди... ўзбек
ўзбек билан чойхонада
ҳам ўз тилида гаплашма-
са қандоқ бўлади? Буна-
қада қачон бутун миллат
бўламыз, барака топгур-
лар?!... Узимизнинг ажойиб,
бой тилимиз турган-
да, бошқа тилда гапла-
шишга сизларни ким,
нима мажбур қилипти?
Тўғри, илгари... ўрганиб
қолгандингиз. Илгари —
замона бошқача эди.
Энди мустакилмиз-ку!
Айрим улфатлар мулзам
тортиб, ерга боқинишди.
Сурбеткорлари тез бўлиб,
кўзларини лўғ этиб тура-
веришди. Беш қўл баро-
бар эмас-да, қолаверса...
узр — букрини гўр туза-
тали, дейишди.
Шоир Шукур Қурбон-
нинг бундан кўп йиллар
муқаддам битган мана бу
ўгли мисралари таскин
тусаб турган кўнглимга
таржимонлик қилгандек
бўлди:
**Она тилим, жон тилим,
Сенгиз мен сўладирман,
Девона бўладирман,
Туққанмига етти ёт
Бегона бўладирман,
Она тилим, жон тилим
Юрасимнинг қошида
Сайраб турсан бўлабулим.**

Шодмон ОТАБЕК

(Давоми. Боши 1-бетда) ўхшатаётганлигини тушуна билар, аммо, шундай экан, «бемор»лар, ҳеч бўлмаганда самарали даволаниш йўлини олдиндан пухта белгилаб олишлари маъқул эмасми? Фарб шарҳловчиларнинг фикрича, Белоруссия «шифо йўлини олдиндан белгилаб олиш» муаммоси билан мутлақо шуғулланмаган бўлса, кейинги пайтларда Россия ҳам ўзининг бу борадаги жиддий интилишларини тўхтатиб қўйгани кузатиш мумкин.

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, икки иқтисодий ёлтириш бирлаштириш жараёнида, одатда, бюджетта даромад тушишида ҳамда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш жабҳасида муайян муддатга қўйилган бўлган юз берди. Иқтисодий ноқориликни эмас, балки шифолиқликни оддий бўлган бошидан кечираётган янги иттифоқ аъзолари ана шу янги бўлганга тайёрми? Бундай давоми бўлганлар даврида ким кимни оталиққа олишга қобилу қай бири қайсига хонис мадд кўрсата олиш имконига эга. Бу муаммо, шубҳасизки, очик қолаётди.

Аммо, ҳозирданок бир томонда иттифоқлараст кучлар «иккилик» маркази Белоруссия бўлади деса, бошқа томондаги марказ Россия бўлишига даъвогар. Хали тўла ойдинлашмаган масала — иттифоқ раҳбарлиги борасида ҳам ана шундай тортишув.

Энди «иккилик»ни Европа Иттифоқи билан муқояса қилишнинг ноқорилиғи масаласига тўхталсак. Буни биргина мисол — Белоруссия ва Россия иттифоқининг гўёки «евро»га ўзлашган ягона валютага ўтиш ҳақидаги маъқул баёнотлари таҳлилида кўриб чиқайлик.

Маълумки, шу кеча-кундузда дунё бозорига АҚШ доллари билан муваффақиятли мусобақани бошлаб юборган «евро» Европа Иттифоқи аъзо 15 та давлатдан ҳозирча 11 таси — Австрия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Германия, Испания, Италия, Ирландия, Португалия, Финляндия ва Франция учун ягона валюта ҳисобланади. Хориж матбуоти кайд этишича, «евро» гоёси даставвал бундан 20 йил илгари тугилган. Ҳозирда бу гоё ташаббускорлари ва ижодкорларидан фақат уч киши — франциялик Ва-

Ё астақлоо, ё иттифоқ...

лери Жискар Д. Эстен, германиялик Гельмут Шмидт ва англиялик Эдвард Хитларга ҳаёт бўлиб, ўз гоёларининг тантанасини кўришга муваффақ бўлиб турибдилар.

Лекин, «евро» гоёсининг йигирма йилдан буён мавжудлиги ва эндиликда дадиллик билан ҳаётга татбиқ этилганига қарамастан, Европа Иттифоқининг айрим аъзолари, хусусан, Буюк Британия, Греция, Дания ва Швеция ягона валюта ҳудудига қўйилмаганига ҳам гувоҳимиз. Бу ҳол, мазкур давлатларнинг чалани қайсарлар экан ёҳуд масалани чуқур тушунамаслигининг изҳори эмас, балки Европада интеграция жараёнидаги нечоғлик жиддий ва теран ёндашилаётганлигининг ёрқин далолати, деб баҳоланса тўғрироқ бўлар эди.

Негачи, бугунги кунда Европада гарчаки барча мамлакатлар учун бирдек алоқадор масалалар юзасидан коллектив қарор

қабул қилиниши маъқуллансада, Европа Иттифоқининг турли халқлар маданиятлари ва ўзига хос аъналарини ҳурмат қилиши кераклиги ҳам кўпчилик томонидан айрича эътироф этилмоқда. Ҳозирча ягона валюта сиёсатида қўйилмай турган Буюк Британиянинг Бош вазири Тони Блэр таъкидлаганидек, Европа учун олга бориш йўли нафақат интеграция,

балки ҳамкорликка зиён-заҳмат етказмайдиган номарказлашув жараёнига ҳам бевосита боғлиқдир.

Кези келганда, Грециядаги молиявий аҳвол ягона валюта сиёсати талабларига жавоб бермагани тўғрисида мазкур давлатнинг Европа Иттифоқи аъзоси сифатида «евро» ҳудудига қўйилиши хоҳиши инobatга олинмаганини

ҳам айтиб ўтиш керак бўлади.

Энди, Белоруссия-Россия иттифоқининг «ягона валюта» борасидаги ташаббусига келсак, бу назария (агар у рoстдан ҳам мавжуд бўлса!) қачон ва ким(лар) томонидан ишлаб чиқилган? Дунё синчилари, молиячи-мутахассислар бу «лойиҳа»нинг қандай ютуқ ва камчиликларидан хабардор?

Галнинг жайрағисини айтганда, «иккилик»нинг ягона пулхонаси қаерда бўлади? Ахир, интеграция жараёни ягона эмиссия маркази бўлишини тақозо этади-ку. Худди шу мақсадда 11 та давлат томонидан Европа Марказий банки тузилганидан хабардоримиз, аммо «иккилик»ка келсак, унинг бу борадаги фаолияти равшан эмас. Агар Марказий банк Москвада жойлашса, бу ҳол Белоруссиянинг мустақиллигига соя солмайди? Мабодо, умумий банк Минскда қарор топдиган бўлса, Россиянинг 160 миллионлик аҳолиси бунга қўнарми-

кан? Лукашенко таклиф қилаётганидек, иттифоқнинг иккита марказий банки(?) мавжуд бўлса-чи, у ҳолда 1992 йилги қалтис вазият яна такрорланмайдими? Яъни, собиқ «рубль зонаси»да бир неча марказий банкнинг уйғун молиявий сиёсат юрити олмалиги, хусусан, эмиссия бўйича ўзаро келишмовчиликлар оқибатида юзага келган молиявий тизимлар «иккилик»нинг марказий банклари мисолида қайтарилмаслигига қарол борми?

Умуман, мамлакатларнинг Белоруссия ва Россия истаётган даражада «чуқур интеграциялашув» шaroитида ҳар қайси давлатнинг «ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолиш» имкониятлари ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Икки мамлакат иттифоқининг келгусида умумий бошқарув идоралари ва парламент, ягона бюджети, валютаси ва армияси барпо этилишига қарамастан, Белоруссия ва Россиянинг мустақил давлатлар бўлиб қолавериши ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқий аъзолари сифатида фаолият кўрсатавериши ҳақидаги баёнотлар, қўпол бўлса ҳам «бўй қиз»ликка, ҳам «ҳомилдор-

«ликка бир пайтнинг ўзида даъво қилиш жуда ўринсиз туюлади.

Юқорида эслатганимиздек, давлатларнинг бирлашиш ҳодисаси янгилик эмас. Халқаро ҳуқуқ амалиётида бу жараёнинг унитар давлат, федерация, конфедерация сингари узоқ йиллар мобайнида пишиган ва пухталашган усуллари мавжуд. Бирлашмоққа аҳд ва ҳақ қилган давлатларнинг ана шу синашта усуллар сирасидан «эни-бўйи» ўзига мосини танлаб олиши аллақачон оддий ҳолга айлиниб улгурган.

Шундай экан, ҳозирги бўлганлар замонида, аввало, ўз халқини овороини сарсон қилиб, қолаверса, жаҳон жамоатчилигини чағалитиб, бу борада «қайтадан шайтонароава иختиро қилиш»нинг ҳоҳати бормикан?..

Ва ниҳоят, интеграция бобидаги ана шу сингари «ихтиробозликлар» замирида кимнинг қандайдир максадлари борлиги тайин, аммо бу максадлар Белоруссия ва Россияга, икки мамлакат халқларининг маффаатларига нечоғлик мос тушажаги бизга қоронғу.

Гулом МИРЗО

Иордания халқи мотамда

Иордания халқи бугун мотамда. Сабаб: яқингинада АҚШда даволаниб қайтган подшоҳ Хусайн ўтган якшанба кунини узоқ давом этган саратон касаллигидан вафот этди. Бундан дунё жамоатчилиги чуқур қайғуга тушган десак муболага бўлмас. Подшоҳ Хусайннинг вафоти муносабати билан Миср, Фаластин, Яман, Кувайт, Уммон ва Марокашда уч кунлик мотам эълон қилинди. Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистонида эса мотам 40 кун давом этади. Ҳукумат идоралари уч кунга ёпиб қўйилади.

Маълумки, подшоҳ Хусайн АҚШда даволанаётган пайти баъзи сиёсий ўзбошимчиликларга йўл қўйган укаси Хасанини Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги тахти ҳорисини ҳуқуқидан маҳрум этган эди. Унинг ўрнига Подшоҳ Хусайн катта ўғли Абдуллага тахт вориси деб эълон қилган.

Авиабардор тадбирга шай

Франциянинг «Фoш» русумли авиабардори НАТОнинг Косово можароларини бартарақ қилиш борасидаги ҳар қандай тадбирларда иштирок этишга тайёр. Бу ҳақда Франция денгиз авиацияси гуруҳи раҳбари Алан Колдефи маълум қилди. Авиабардор Франциянинг тезкор операцияларда иштирок этувчи ягона ҳарбий кемаси ҳисобланади. Айна пайтда у Италия қирғоқлари яқинида патруллик хизматини ўтамоқда.

101 ёшли қарияга мукофот

Вестал шаҳарчасининг 101 ёшли фуқароси Елайжи Кюррига Франциянинг Фахрий Легион ордени топширилди. Бу мукофот унга Франция ҳудудига кечган биринчи жаҳон урушида иштирок этгани учун берилган. Қариялар уйида яшовчи Е. Кюррининг фарзандлари отаси бўлиб ўтган урушни яхши хотирлай олмалигини айтишган.

Франциянинг Нью-Йоркдаги консулига яқин кунларда шу ерлик яна бир фуқарога Фахрий Легион орденини топширишни режалаштирган. 112 ёшли Герберт Янг ҳам иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. (ЎзА)



Соҳил бўйида

Маошгача қарз олди

Дунё халқларининг ўзига хос одатлари бор. Баъзида бирор биродаримиз ўта аниқ ҳисоб-китоб қиладиган бўлса «Э, фалончиси, у немисчасига ҳисоблашадими» деб қўямиз ярим ҳазил-ярим чин қилиб. Шуниси аслида жуда тўғри. Шунданми таниқли, тарихий шахслар ҳаётига қизиқсиниб юра-

ман. Собиқ канцлер Гельмут Коль ҳеч қачон умумий ошхонада овқатланмас экан. Лекин Герхард Шредер бошқачароқ, бунинг аксича иш тутмоқчи бўлди. Тушлик чоғи оддий одамлар қатори навбатга турди. У шу билан балки халққа қанчалар «яқин»лигини кўрсатмоқчидир. Шундай кунларнинг

бирида галати ҳолат юз берди.

Кўнгли тусанга егуликни тақсимчага қўйиб, пул тўлашга қассага яқинлашди. Биласизми, давлат бошлигининг емак учун 25 пфени (майда пул) етмай қолди. Тўғри, кантилнинг 100 маркаси тахт бўлимай турарди. Немисларда шундай гап бор: пул майда бўлди

Маишулар ҳаётидан

— қайда бўлди?

Навбатда турганлардан бири унинг жонига оро қилди: ойликкача қақадан қарз бериб турди. Халққа «яқин» бўлиш деб шунини айтса бўлади-да.

Сауда йўлдошсиз таёғиради

ХДП хабари

«Наврўз» гуруҳи

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши умумхалқ «Наврўз» байрамига ҳозирлик қилиш нуфузли гуруҳини тузди. Гуруҳга вилоятда фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотлари, маҳалла ва жамғармалар жалб этилиши кўзда тутилмоқда.

Гуруҳ халқимизнинг бой маънавий ва маданий тарихини ташвиқ қилиш, баҳорги ишларини амалга ошириш, ободонлаштириш, қўчат ўтқизиш ишларига бош-қош бўлади. Шунингдек, фахрийлар ва ногиронларга амалий ёрдам кўрсатиш, оилаларни мустаҳкамлаш, Аёллар йиллини намунали ўтқизишга ўз ҳиссасини қўйишни режалаштирмоқда.

Бу ишларда Жиззах шаҳри, Зафаробод, Ғазлаорол туманлари кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг иши ўрнат бўлаётди. Партияс сафарини аёллар, ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ҳозирги кунда вилоятда 704 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз сафига 23356 нафар аъзони бирлаштирган.

Парабоий ТОЖИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Ушбу дамдин (XV аср) тортиб то олам инқирозигача бундайин одам (Алишер Навоий)нинг дунёга келиши муҳофизат...

Зайниддин ВОСИФЙ

Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов ўз «Янги Хамса»си (1998) билан халқимиз, адабиётимиз фахри бўлган даҳо мутафаккирлар хотираси қаршисида оғир, бағоят масъулиятли ва шарофли имтиздондан ўтди, ўтмоқда... Муаллиф ўзини XXI аср бўсағасида турган дидеимиздан XV аср Моваро-унаҳр, Ҳирот маданий муҳитига борган фахуллода ва муқдор адабий элчидай ҳис этади. Кўҳна асрларнинг сарҳалларига лангар ташлайди. Китобдан-китобга боёқ-ичма-босқич ўтиб ўзини синайди, қаламини чархлаб боради, омадини қидиради... Турли даврларнинг инсоний ва ноинсоний қиёфаларини, одамларнинг дурут-нодурут ишларини, салтанатлар сиймосини, буюкларнинг буюклигини, ёмонларнинг ёмонлигини кузатади. Замонларни муқоясага келтиради. Одамларнинг аъмолига уларнинг ўз кўзлари билан ва шуран бизнинг назаримиз билан қарашга ҳаракат қилади.

Кимга омад, кимга балким кўргулик, бугунги залворли, мураккаб ижтимоий муҳитимиз, истиқлол воқелиги шундай бир шаффоф кўзунини қаршимизга, хаста вижлонимиз ва иймониимиз рубарусига келтириб қўйдики, унда биз, ҳаммамиз ва ҳар бири-миз ўзимизнинг ким эканлигимизни бор бўйимиз билан кўриб турмоқдамиз. Ҳар бир тарихий эришдиш дилласида ўттиш даврининг синоваларидан ҳар ким ҳар хил ўтади. Кимлардир дардчил, изтиробий пок руҳи ҳолатга кўчади. Кимлардир

таъзим қилдик, унга ҳайкалу ёлдорликлар ўрнатдик. Муборак номлари тилларда достон. Ерқин хотирасини алқаймиз. Ифтихор этамиз. Бутун мамлакат миқёсида!

Ило... Навоийни биланми? Тушунамизми? Ҳар бир одам иқдор бўлиши бўлиб қўймади. Чорак аср мобайнида мўйсифид тарих саҳифаларини варақлар, улларнинг фазлу қароматини ўрғана экан, бир ҳақиқатга иймон келтирдик. Агар ёрғ ўйнинг, эзгу, мусофироқ мақсад билан азизларнинг истиқболга қанчалар, ноумид бўлиб қолмайсан экан. Уларнинг беғубор маъсум руҳлари мушкулнинг осон қилади, қўлайди. Йўлингни ёритади.

Туйқусдан: бугун бизга шундай бир фахуллода маҳобатли Навоийнома керакми, деган тўғроқ, ноҳишлов муаммолар баҳс очайлик. Бу кетишда балким навбатда — шешрий Темурнома, Бобурнома, Акбарнома, Машрабнома, Оғайинома, Ферузнома, Фурқатнома, Қодирийномалар ёшига ҳам тутинарми?.. Нахотки, бугунги адабий Истиклолномаимизнинг энг муқаддас, долзарб мавзулари шулар бўлса?

Бу ё анойи, ё бадини кинишининг мулоҳазаси. «Янги Хамса» билан муфассал танишган киши иқдор бўладики, бу, чиндан ҳам, зиёта ташна, мустақиллик гоёси билан сугорилган, миллий қадриятларимизга хеш ва ошфат бўлган ҳар бир инсонга жуда зарур нам. Кимки ҳарзат Низомиддин мир Алишер Навоийни билмабди, у истиқлол нималгини билмабди. Биз бу улуг зотга

бирода галати ҳолат юз берди.

Кўнгли тусанга егуликни тақсимчага қўйиб, пул тўлашга қассага яқинлашди. Биласизми, давлат бошлигининг емак учун 25 пфени (майда пул) етмай қолди. Тўғри, кантилнинг 100 маркаси тахт бўлимай турарди. Немисларда шундай гап бор: пул майда бўлди

тармиз, назиралар, татабулар боғлармиз, қомуслар тартиб берармиз. Луғатлар ёзармиз... Навоий бобимизнинг адабий ва илмий мерослари ҳеч қачон тутмас... Дарвоқе, не қору ҳолким, нечук бўлиб кўп жилдиклик катта Навоий Қомусини бунёд этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётти экан? Ажаб. Хуллас, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида, бир турғун руҳий кайфиятдан тамом ўзгача руҳий ҳолатга кўчаётган паллада Навоийни — бизга, бизни — Навоий иқлимига яқинлаштиришда шу кунларда биронта энг биланган навойишунос аллома, улкан адиб ҳам қилмаган, қилмаган ишга Барот Бойқобилов амали оширди (Ойбек домла мустасно). «Янги Хамса»га фақат шавқ ва илҳом маҳсули эмас, балки мазийни, Навоийнинг, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий ҳамда бошқа ўнлаб зоти покларнинг ижоди, қилган ишларини маҳд ва тадиққ этувчи узоқ йиллик тизимсиз изланиш натижаси деб қараш керак.

Алишер Навоий, Хожа Аҳрор сингари мутафаккир, пири қомилларнинг бебаҳо асарлари, оламшумул фаолияти атиги китоб жавонларини мизни эмас, ахлоқий-мафкурарий қиёфамиз, тафаккуримиз, зоҳирий ва ботиний оламимизни беэаб турувчи жавҳар, бошимиз узра машаала бўлмоғи даркор.

Афсуски, узоқ давом этган маънавий инқироз, турғунлик, чирриш даврида биз ул зотининг масъулий нафаси таъсири доирасидан анча четлашдик. Улғуш шoir матлавларини ўқиб, уларни чуқур тушунишни мураккаблаштирган жўзуйи ва ноўйиб сабаблар кўп. Аввало, орадан ўтган беш асрлик вақт. Шу орада юзага келган дисоний муам-

молар. Ўзбек тилининг турли қатламларида юз берган қўлдан-қўп маънавий силжилар. Сузлар, атамалар, иборалар, қисман сарфу наҳда эскириш-янгилашиллар, услубий-ифодавий бурилишлар. Шуҳо замонда масалак ва дунёқарашда «сўллашиш». Сўқир даҳрийлик (атеизм) касофати. Буюк мутафаккир гоёларини қинғир кўзгада бузиб талқин қилишлар, чалқаштиришлар, йўқсиллаштиришлар, асарларига қўлиб-чатишлар, қашшоқ расмий сиёсат илдоола-рига тўғри келмайдиган

назм иқлимга пайванд қила билган.

Айрим гализликлар, нуқсонлар ҳам гоҳо кўзга чалинади. Чунони, муаллиф Навоий (Фоний)нинг узидан шешрий иқтибослар олиб, масъулий таркибига омухта қилмоқчи бўлганида (булук ўринларда ҳам баъзан) бу унчалик ёпишмаётганлиги аён бўлади.

«Депони Фоний»дан: «Оламе ходам, ки навбат, мардуми олам дар у, К-аз жафои мардуми олам навбатом гам дар у».

Сатр остида ўқиймиз (биринчи байтнинг мазмуни): «Бир олам истаёманки, унда давримизнинг одамлари бўлмасин».

Тахтўлафэ жуи. Фоний деяртилар: бир олам бўлсаки, ул оламда бул олам одамлари бўлмаса... Нақадлар ўткир фикр: «Бунда бор одам анда бўлмаса».

Иккала байтда уч марта қўлланган «набуват» (булма-ли — «набат» уч ўринда ҳам «набат» (гал) деб бузиб ёзилган. **Набат** эмас, **набат** бўлиши керак. Бу «б» — «в» харфларининг алмашиб тушишдан пайдо бўлган мут-баб қусури эмас, балки маънонинг бузилишидир.

Назм равои оқди. Тийратлар — ҳаракатта, ҳаракатлар — вазиятта, вазиятлар — муҳит, давр, қаҳрамон руҳига мос. Услуб равои, тарихий мазмун ва муңдорига ҳамроҳанг. Шоир залворли ҳолату воқеалар тасвирига қулайлик яратадиган шешрий вазн — маънавийнинг ҳавосини олган. Маънавийни янги

Ўзи учун қилар назмдан ҳам машқ, Машқини қилади ўзида ҳам рашқ.

Ўз ишқ дostonи этолмайди шарҳ, Шарҳези бу зумбонинг ечолмайди чарҳ.

Шайх Каффоли Шошай чиқариб савод

Етмиш икки тили биларди озод.

Гуноҳ қучасиза

«Хамсакент»

(Қалом, маъно, услуб баҳсида)

кирмасин дебон Ақлини қалбага аллаган посбон.

Булар тиниқ маънавий санъатига, беғубор, рангин лафзий нафосатга «ўжар» далайл бўла олади. Мавзуининг салмоғи ва маъно қўлами шу қадар каттаки... Зеро, шоирларнинг пири, сўз мулкчининг султони Алишер Навоийдан баҳс бормоқда. Озгина эҳтиёжсизлик, ноўрин қўлланган ташбеҳ ҳам ишнин ланж қилиб қўйиши мумкин.

Назм равои оқди. Тийратлар — ҳаракатта, ҳаракатлар — вазиятта, вазиятлар — муҳит, давр, қаҳрамон руҳига мос. Услуб равои, тарихий мазмун ва муңдорига ҳамроҳанг. Шоир залворли ҳолату воқеалар тасвирига қулайлик яратадиган шешрий вазн — маънавийнинг ҳавосини олган. Маънавийни янги

Яна байт: «Фоний, дар вази гардуи нур мақун андеша з-оил-к, Пуктае навбат, ки навбат бир хирад муҳдам дар у».

Сатр остида ўқиймиз (биринчи байтнинг мазмуни): «Бир олам истаёманки, унда давримизнинг одамлари бўлмасин».

Тахтўлафэ жуи. Фоний деяртилар: бир олам бўлсаки, ул оламда бул олам одамлари бўлмаса... Нақадлар ўткир фикр: «Бунда бор одам анда бўлмаса».

Иккала байтда уч марта қўлланган «набуват» (булма-ли — «набат» уч ўринда ҳам «набат» (гал) деб бузиб ёзилган. **Набат** эмас, **набат** бўлиши керак. Бу «б» — «в» харфларининг алмашиб тушишдан пайдо бўлган мут-баб қусури эмас, балки маънонинг бузилишидир.

Назм равои оқди. Тийратлар — ҳаракатта, ҳаракатлар — вазиятта, вазиятлар — муҳит, давр, қаҳрамон руҳига мос. Услуб равои, тарихий мазмун ва муңдорига ҳамроҳанг. Шоир залворли ҳолату воқеалар тасвирига қулайлик яратадиган шешрий вазн — маънавийнинг ҳавосини олган. Маънавийни янги



Азиз юртадошлар!

Серкуёш юртимизнинг мухтарам меҳмонлари!

Энг универсал банк ҳисобланмиш
Ўзбекистон акционер-тижорат саноат қурилиш банки

Аёллар йили

муносабати билан сиз азизларга
1999 йилнинг 1 февралидан бошлаб,
янги омонат турларини таклиф этади.


➤ **Муддати 6 ой бўлган «Она меҳри» номли омонат.** Бошлангич омонат миқдори 5000 сўм. Омонатга ойига 2,5% даромад ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади. Мижозлар ҳар ойда ҳисобланаётган даромаддан фойдаланишлари мумкин.

➤ **Бир йил муддатга «Бегойим» номли омонат.** Қўйилганинг энг кам миқдори 10000 сўм. Бу омонат бўйича мижозларга йилига 36% даромад тўланади.

➤ **Банк сизнинг сармояларингиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни ва сизнинг биринчи талабингиз билан қайтариб беришни кафолатлайди.**

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки Аёллар йилида барча аёлларга ва уларнинг оилаларига тинчлик-хотиржамлик, бахт-саводат, шоду-хуррамлик, эзгу ишларда ривож, сармояларига баракот тилайди.

Маълумотлар учун телефонлар:
133-34-45, 133-32-36, 136-75-49



СПОРТ

Қорли қияликлар бўйлаб...

Шу кунларда Кореянинг Кангвон масканида тўртинчи Осиё кишиқўйинлари давом этмоқда. Маълумки, илгари бундай баҳсларда чанги акробатикаси бўйича довруқ қозongan Лина Черязова ватани-

миз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлганди. У ҳозир айрим сабабларга кўра бундай баҳсларда иштирок этмаяпти. Шунга қарамай, Осиё ўйинларида юртимиздан етти нафар

спортчи қатнашмоқда. Улар орасида муз устида нафис учиб бўйича Татьяна Малинина, Анастасья Гимазетдинова, Роман Скорняков ҳамда рақс жуфтлиги Наталья Понамарева бўлди.

билан Евгений Свиридов, шунингдек, тоғ чангичилари Элмира ва Комил Ҳуринбоевлар қорли қияликлар ва яхмакларда ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Ҳозирча Комилнинг кучли ўнликдан жой олгани маълум бўлди.

Спорт байрами бўлади

Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг йиллик сарҳисоби йиғилишида яна бир кўнгилсувчар гап бўлди. Мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш, халқимиз саломатлигини мустақамлаш, спортнинг оммавийлигини таъмин-

лаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш мақсадида Бутунўзбек ўйинларини ташкиллаштиришга қарор қилинган маълум қилинди. Демак, маълум тайёргарликлардан кейин мамлакатда яна бир спорт байрамидан кўпчилик баҳраманд бўлиши турган гап.

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 9 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	72,82
1 Австрия шиллинги	9,19
1 Англия фунт стерлинги	183,43
1 Бельгия франки	31,36
1 Голландия гульдени	57,40
1 Греция драхмаси	3,91
1 Дания кронаси	16,91
1 БАА дирхами	30,47
1 АҚШ доллари	111,90
1 Миср фунти	32,86
1 Испания песети	7,60
100 Италия лираси	6,53
1 Канада доллари	75,18
1 Хитой юани	13,52
10 Люксембург франки	31,36
1 Малайзия рингити	29,45
1 Германия маркаси	64,67
1 Польша злотийси	30,21
1 СДР	155,98
1000 Туркия лираси	0,33
1 Финляндия маркаси	21,27
1 Франция франки	19,28
1 Швейцария франки	78,64
1 ЕВРО	126,40
10 Жанубий Корея вон	0,95
1 Япония иенаси	9,93
1 Россия рубли	4,84
1 Украина гривнаси	32,65
1000 Белорусь рубли	0,77
1 Латвия лити	194,95
1 Литва лити	27,98
1 Молдова лейи	12,78
1 Қирғизистон соми	3,66

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўсиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТУЗАТИШ
Газетанинг шу йил 4 февраль сониди 3-бетда эълон қилинган «Узсанотқурилишбанк» рекламасининг «Она меҳри» омонатига қўйилган даромад ойига 25% ўрнига 2,5% ва «Бегойим» омонатига қўйилган даромад ойига 36% ўрнига йилга 36% деб ўқилсин.

Ҳайлар

дим. Бир дақиқа ҳам унут бўлмасинки, айни ҳолда беш аср муқаддам кечмиш, аллақачонлар узоқ тарих сарҳадларига юз тутган воқеалар, ҳозиргидан гоҳо тубдан фарқ қиладиган тафаккур зайли, удувлар, тамойиллар, урф-одатлар, ахлоқ-одоб ҳақида гап бормоқда. Биз ҳам, шубҳасиз, «улар» эмасмиз ҳам. Биз уларнинг сайй-ҳаракатларини тушунамиз қолган ҳолларимиз кўп бўлади. Улар ҳам, асрлар оша, бизга қараб, ўз авлодларининг бир хилги «ғалат» алфози, ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатларини англамай доғда қолсалар керак эди. Ёзувчи ана шу нозик руҳий ҳолатни илғашни керак. Ички бир Ҳайу билан. Бунинг учун фақат адиб бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Тарихий мавзуга юзланган киши том маънода қилни қирқ ёрган, мо-

қобилол бу томондан катта истеъод эгаси бўлиш баробарида, давр қиёфасини, XV аср Мовароуннаҳри, Хуросон иқлиминини, ўша давр Самарқанд ва Шош мадания ҳаётини билишда муаррих-мутахассис сифатида майлонда кўринди. Таниқли навоийшунос олим эканини намойиш этди. «Янги Хамса» таркиби-га кирган беш шеърини роман: «Нотинч Хуросон», «Шукӯҳди карвон», «Соқини Хуросон», «Қонли Хуросон», «Хайратли Аҳро» фикримизга жонли далил бўла олади. Бадиий адабиётнинг асосий «қурилиш аҳдиси» — сўз. Кузатдик: қадимул айёмда қўлланилган кўп сўзлар бизга таниқли кўринади. Аслида-чи? Сўзлар-ку ўша сўзлар, бироқ маъно барча ҳолларда ҳам жила «ўша» эмас. Бунни фарқлабмаган киши сал жойда пайд еб қолиши мумкин. Худди

шукӯҳди карвоннинг биринчи қисмида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоий ҳақидаги мана бу фикри сарнақш (эпиграф) қилиб келтирилган: «Билмам не жарима била Абу Саъид Хиротдин ихрож қилди» (111-бет). Аслида «Бобурнома»да бундай: «Билмон, не жарима билан Султон Абу Саъид Мирзо Ҳиротдин ихрож қилди» (1960 йил нашри, 233-бет). Билмам эмас, «билмон», «Абу Саъид» эмас, «Султон Абу Саъид Мирзо», «Хиротдин» эмас, «Хиридин».

Аслиятдан келиниб, ёдаки иқтибос келтириш мақсадида мувофиқ кўринмайди. Матн мўтабар. Фикримизча, Бобур Мирзо бизнинг тилимизда эмас, ўз тилида, ўз гўзал таъбирлари билан сўзлаганлари дурустроқ, ишонарлироқ бўларди. Айрим тушунмасиз сўзларга эса лутат, изоҳ, эскартма берилса олам тулистон.

Ихрож билан хориж бир ўзакдан. «Юртдан чиқазиб юборди» ёки «балдарга қилди», димоқчи бўлаётдилар. **Жарима** сўзи хусусида. Ҳозир биз бунинг бирон ноёб иш, тартиббузарлик, қонун-қондага қарши хатти-ҳаракат учун тўлов деб тушунамиз. (Олмонча: **штраф**). Аслида бошқачароқ. Бу туноқ, жиноят, айб иш демак. Чунончи: «Ҳар мужримдин жаримасига кўра журмона олсалар» («Муншоо-



Тўдан. Мужрим — жиноятчи, гуноҳкор киши. Жарима — гуноҳ, жиноят. Журмона — гуноҳ ёки жиноят содир этгани учун мужримдан олинадиган ҳақ, тўлов («штраф»).

Тўдан. Мужрим — жиноятчи, гуноҳкор киши. Жарима — гуноҳ, жиноят. Журмона — гуноҳ ёки жиноят содир этгани учун мужримдан олинадиган ҳақ, тўлов («штраф»).

Истардикки, Навоийномадай кўзга суртиб ўқуладиган китобда ҳар бир атама, таъбир, ишора мутлақ аслига мос бўлса. Хилофат бўлмаса. Бу ерда «жарима»нинг катта-кичиги бўлмайди. Барот Бойқобиловдай олим ва ижодкор учун — айниқса. Бундай муаллифларнинг «жилди» хато қилишлари ҳеч ҳам шарт эмас. Майда-чуйда кусурларни ҳам бемалол катта нуқсонга йўйса бўларедди.

Шеърини шеър қиладиган унсурлардан бири қофия. Байни Нафосат бонунинг бежиримгина қўлоқларига илинадиган ёқут кўзи олтин исирга. Аммо кўруқ ташқи безак эмас. Бутун асарининг, фаслнинг, байтнинг ички мантинқини ифода этувчи калит. Бу хусусда кўнглил тўқ. Муаллиф қофия бобидла моҳир. Байтлар жаранглаб турди. Унда-бунда баъзи бир сакталлиқлар ҳам йўқ эмас. Турги, бундай ҳоллар кам. Эҳтимол, юздан бир

Миллат ва адабиёт

Савол: ўқувчини диққини-фас қилиб ўтиргандан кўра, эскирган мазкур сўз ва ата-малар ўрнига ҳозир истифодада бўлган калималарни бера қолинса бўлмасмиди? Бўлмас эди. Алишер Навоийнинг ниҳоятда бой, рангбаранг ашғори, ажиб ва нажиб сўзлари, маънавийтини бугунги китобхоннинг оғзига тайёр ҳолда чайнаб солиш керак эмас. Бундай қилинса, навоийном саъз, камҳафса «истеъмоличга», «боқимандага» айланиб қоларди. Ваҳоланки, адбга ўйланувчан, изланувчан, талабчан, фаол ва онгли китобхон керак.

Шу зайл мингта яқин сўзлар изоҳланган. Чунончи: қайвон, ангубин, нигин(183), қулла (184), маоқиб, маснад (185), алола (191), адув, узгун (193), буқур (81), азмоийиш (187), муфтаҳир (152), амният (232), самум (359), тичи (391), хулафо (392), нажд (393), нимоэ (405), тавҳид, тажрид, тафрид (408), газанфар (409)...

Йигирма беш йил давомида Навоийнома иншосида шоир бетиним заҳмат чекди. Қиёфали-қиёфасиз бадбинликларга қарши курашиб, но-текис, заҳмату ташвишларга тўла ижоди давомида ўзига хос нотинч ва қонли, алалоқибат ҳайрат тўла шукӯҳли ва соқин воқеаларни тасвирлади.

Шу билан баробар, яна шунча, балким кўпроқ сўз, атама, тушунчаларга изоҳ берилмаган. Масалан: ибтило, мулғам, зеру бам, зовия, ўрту (59), буқур (81), азмоийиш (187), муфтаҳир (152), амният (232), самум (359), тичи (391), хулафо (392), нажд (393), нимоэ (405), тавҳид, тажрид, тафрид (408), газанфар (409)...

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ, Маҳкам АНДИЖОНИЙ

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Андижон вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими 1999 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли қурилиш материаллари ва жиҳозларини пудрат (тендер) асосида сотиб олади

Пудрат (тендер) савдоларида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори	
Кабель маҳсулотлари	КВВБ 7x1,5	п/м	324000	
	АВВГ 3x+1x4	п/м	11680	
	АВВГ 4x4	п/м	12580	
	АВВГ 2x2,5	п/м	12690	
	АВВГ 3x95+1x50	п/м	3300	
	АВВГ 3x120+1x70	п/м	4880	
	АВВГ 3x50+1x25	п/м	7280	
	АВВГ 4x25	п/м	8200	
	АВВГ 4x70	п/м	25680	
	АВВГ 4x6	п/м	13000	
	АВВГ 4x35	п/м	15300	
	АПВГ 3x4+1x2,5	п/м	1200	
	АПВГ 3x16+1x10	п/м	1620	
	АПВГ 3x50+1x25	п/м	1000	
	АПВГ 3x95+1x50	п/м	1680	
	АПВГ 3x120+1x70	п/м	2160	
	АСБ 3x120	п/м	9680	
	ТПП 20x2x04	п/м	26000	
	ТПП 50x2x04	п/м	660	
	ТПП 30x2x04	п/м	720	
	ТПП 10x2x04	п/м	4320	
	КПТА	п/м	1320	
	АППВ 2x2,5	п/м	147790	
	АППВ 1x2,5	п/м	5190	
	АППВ 2x4	п/м	42188	
	АППВ 3x2,5	п/м	19654	
	АППВ 3x4	п/м	22520	
	АПВ 3x2,5	п/м	2280	
	АПВ 2,5	п/м	103800	
	АПВ 4	п/м	20380	
	АПВ 6	п/м	31510	
	АПВ 10	п/м	13960	
	АПВ 16	п/м	28520	
	АПВ 25	п/м	2400	
	АПВ 35	п/м	12620	
	АПВГ 3x4	п/м	2840	
	ПВ-1	п/м	15840	
	ТРП 1x2x04	п/м	28800	
	ПТПЖ 2x12	п/м	26580	
	ПРПН 2x05	п/м	38330	
	А-50	тн	9,3	
	<i>Хорижий маҳсулотлар</i>			
	Электр симлар	«МАЯК» СК-220	дона	25680
		ДРЛ-250	дона	130
		«МАЯК» СК-220	дона	10650
ДРЛ-250		дона	150	
ДРЛ-250		дона	15300	
ДРЛ-250		дона	150	
ДРЛ-250		дона	15300	
ВС-4-70N5		дона	6	
ВПК-15 СОЮЗ		дона	24	
ВКР-4		дона	90	
ВО-10		дона	450	
ВК-744 САМАЛ		дона	24	
ВЦУ-75		дона	90	
2.КМ-6		комп	24	
К-65-50-16		дона	24	
ГНОМ		дона	6	
1,5 К-6		дона	12	
УНИВЕРСАЛ-6		дона	24	
ТП250КВа		дона	6	
ГКТП 2x630		дона	6	
ПЧМ		дона	10	
ВЧ		дона	131	
ТАМУ 70		дона	90	
ТАМУ 10		дона	6	
ТАМУ 25		дона	6	
ТАГ 25 ТН		дона	6	
Д-150		дона	192	
КВВС 7-П-01		дона	108	
ПР 11		дона	226	
Р-975		дона	60	
ЯТП 025		дона	210	
Я 5110		дона	78	
КРТУ10		дона	3240	
У99-М		дона	516	
У 76		дона	1044	
ЯОУ 8501		дона	150	
ВРУ-1-11		дона	24	
ВРУ-1-47		дона	64	
РТША 4		дона	1260	
ОББ301		дона	1440	
СИБИРЯК-308		дона	18	
ГА15		дона	732	
МП 105		дона	10	
ДПД1		дона	1224	
ДПБ1		дона	564	
ОЙНА	дона	96		
БКТ 20x2	дона	500		
МП 800	дона	96		
ПЭТ 4	дона	20		
АП 50	дона	6		
ПМЛ-121002	дона	6		
ВБ-24/3	дона	6		
Д6- Д 32	тн	583		
ИТАЛГРАНИТ	минг дона	119		
ДИ5-Д100	м2	6381		
АРМСТРОНГ	м2	12324		
ДИ5-Д100	тн	1048		
АРМСТРОНГ	дона	11927		
ДИ5-Д100	м2	8167		
ДИ5-Д100	м2	30535		
ДИ5-Д100	м3	2419		
ДИ5-Д100	м2	4377		
ДИ5-Д100	тн	2092		
ДИ5-Д100	м2	10691		
ДИ5-Д100	тн	646		
ДИ5-Д100	тн	268		
ДИ5-Д100	тн	156		

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Хориж обойлари		м2	6100
Витрина ойнаси		м2	2427
Оддий ойна		м2	19140
ЛЕКСОН		м2	636
Насос	К45/30 К20/30	комп	72
Насос факальный		комп	24
Полиэтилен қувурлар		км	28,8
Муфта винтили	Д15-Д50	дона	558
Винтил запорный	Д15-Д40	дона	45
Регулирующий клапан	Д50	дона	40
Сув иситиш чўян қозони		комп	48
Тезкор сув иситигич	ОСТ34-388-68	комп	28
Стол тарозиси	ВНЦ-2	дона	6
Тарози	РП-500-3-13	дона	9
Касса аппарати	ОКЛ4401	дона	6
Ўт ўчириш ускунаси	ОХВП10м	дона	60
Совутиш камераси	КХС210	дона	6
Ошхона машинаси	МНМ250-2	дона	6
Идиш ювиш ускунаси	МПУ700	дона	10
Сув қайнатгич	КНЭ-100	дона	11
Овқат пишириш қозони	КЭ-100	дона	9
Овқат пишириш қозони	КПЭСМ-60	дона	4
Овқат пишириш қозони	КПЭ-160	дона	2
Овқат пишириш қозони	КПЭ-60	дона	2
Сковородка	СЭ-022-01	дона	8
Юк араваси	ТГ-50 м	дона	6
Нон сақлаш жавони	ШХ-13	дона	8
Поддон		дона	42
Ванна	ВМСМ-1	дона	34
Ванна	ВМСМ-2	дона	26
Вставка	В-400-01	дона	2
Тўрт ўринли ошхона мебели		комп	238
Ошхона жиҳозлари столи		дона	6
Поднослар учун стол		дона	6
Ишлаб чиқариш столи		дона	72
Идишлар учун жавон	СП-1200	дона	91
Электр плита	ШПП	дона	18
Электр плита	ПЭ-1701	дона	13
Овқат пишириш шкафи	ПЭСК-4	дона	15
Эл. қайнатгич ускунаси	ШЖЭ-051	дона	18
Картошка сақлаш жавони	УВЭ-60	дона	12
Картошка тозалаш столи		дона	10
Кийим сақлаш учун жавон		дона	16
Контейнер	КП-300	дона	6
Идиш ювиш учун поддон		дона	12
Овқат тарқатиш тизими	ЛПСГ	дона	2
Универсал привод	ПП-1,1	дона	6
Универсал привод	ПУ-06	дона	3
Нон кесиш ускунаси	МРХ-1800	дона	2
Картошка тозалаш ускунаси	МОК-250	дона	5
Электр сочиқ	ЭР-3	дона	8
Ошхона жиҳозлари учун раста	ППС-6	дона	2
Идиш ювиш ваннаси	ВТ-1	дона	9
Идиш ювиш ваннаси	ВТ-1А	дона	10
Приз тозалаш столи	СПП	дона	6
Нон кесиш столи	СХ-1	дона	2
Ишлаб чиқариш столи	СП-14-20	дона	11
Ишлаб чиқариш столи	СП-10-50	дона	31
Ишлаб чиқариш стеллажи	СП-3А	дона	5
Подтоварник	ПТ-1	дона	21
Подтоварник	ПТ-2	дона	18
Гўшт бўлиш столи	СР-2	дона	3
Мева-сабзавот учун жавон	ЛО-2	дона	4
Универсал жавон		дона	1
Темир жавон		дона	8
Поднослар учун стол		дона	4
Кир ювиш машинаси	СМОК	дона	2
Кир қуригиш ва дазмоллаш ускунаси	КП-408	дона	1
Кир қуригиш ускунаси	КП-307	дона	1
Дазмоллаш пресси	КП-513	дона	1
Центрофуга	Ц-10	дона	1
Ковуриш шкафи	ШЖЭСМ	дона	2
Раста	ЛПС-21	дона	3
2-овқат учун мармит	ЛПС-3	дона	2
Иссиқ ичимликлар учун раста	ЛПС-5	дона	2
Идиш ва стаканлар учун раста	ЛПС-22	дона	2
1-овқат учун мармит	ЛПС-11	дона	2
Совутгич	ШХ-12А	дона	3
Совутгич	ШХ-08М	дона	1
Совутгич	СИНО	дона	15
Совутгич	СХ-04	дона	10
Совутгичли стол секцияси	СОСЭМ2	дона	3
Гўшт қиймалагич	632-Мтип.П	дона	2
Мясорыхлитель	МРМ-16	дона	1
Ўғ тақсимлаш ускунаси	РДМ5	дона	2
Поддон		дона	1
Юк ташиш араваси	ТГ130	дона	2
Пишган сабзавотларни бўлиш машинаси	МРОВ160	дона	1
Қандолат маҳсулотлари стеллажи	СКП	дона	1
Ўқув партаси		дона	180
Синф доскаси		дона	30
Химия столи		дона	15
Физика столи		дона	15
Кўргазма столи		дона	2
Китоб жавони		дона	100
Кийим жавони		дона	62
Стуллар		дона	107
Бир тумбали стол		дона	51
Металл қувур	диаметри 15ммдан 114 ммгача	келишилган ҳолда	
Полиэтилен қувур	20ммдан 100 ммгача		
Арматура	6 ммдан 40 ммгача		
Асбестцемент қувур	100ммдан 250 ммгача		

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз сўралади:
 Андижон шаҳри, А. Навоий шох кўчаси, 45-уй.
 Телефонлар: (3742) 25-25-61, 24-23-94, 24-31-64.
 Факс: 25-56-41.

Бош муҳаррир

Азим СУЮН

Тахрир ҳайъати

- Абдулла ОРИПОВ
- Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
- Азиз НОСИРОВ
- Одилжон ОЛИМЖОНОВ
- Ислом ШОҒУЛОМОВ
- Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
- Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
- Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
- Алиқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Узбекистон овози»)
- Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
- Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
- Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
- Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
- Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
- Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
- Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
- Саннат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
- Бухорода — 23-51-40;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-29-44;
- Навоийда — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 222-70-12;
- Самарқандда — 35-20-54;
- Тошкентда — 133-76-04;
- Урганчда — 6-51-35;
- Фарғонада — 24-46-84;
- Қаришда — 3-25-79;
- Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖУРАЕВ, навбатчи Маъмуржон ҚИЕМОВ

Газета «Узбекистон овози»нинг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дас্তুричи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда, 25.805 нускада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахрирнинг рухсати билан амалга оширилади.

Г — 089

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА